

Шавкат Мирзиёев Самарқанд халқаро аэропортини кўздан кечирди



Президент Шавкат Мирзиёев 10 февраль куни Самарқанд шаҳрига келди.

Давлатимиз раҳбари Самарқанд халқаро аэропортида яратилаётган шароитларни кўздан кечирди.

Маълумки, бу «ҳаво дарвозаси» қарийб 83 миллион долларлик лойиҳа эвазига янгидан қурилмоқда. Ўтган йили учиш-қўниш йўлаги қайта қурилган эди. Бугунги кунда янги терминал тўлиқ тикланиб, пардозлаш ишлари олиб борилмоқда. Йўл, автотурааргоҳ ва ёритиш устунлари барпо этилмоқда.

Мирзо Улуғбекнинг буюк мероси Самарқанднинг тимсолига айланган. Шу боис янги аэропорт биноси аллома бобомизнинг «Зижи жадиди Кўрагоний» китоби шаклида барпо этилган. Терминалнинг эни 175, баландлиги 25 метр. Бир соатда 800 нафар йўловчига хизмат кўрсатиш қувватига эга бўлади.

Аэропортда «очиқ осмон» режими қўлланилади, карго хизмати ҳам йўлга қўйилади. Янги терминал келгуси ойда фойдаланишга топширилади.





Манба